

КИЧИК ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ САЛОҲИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ-СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ

Хатамов Очилди Қурбонович
Термиз давлат университети доценти, иқтисод фанлари доктори

Тошалиева Саодат Тохировна
Термиз давлат университети таянч докторанти
E-mail: saodattoshaliyeva@mail.ru

Аннотация. Ушбу мақола Сурхондарё вилояти аҳолисининг тадбиркорлик салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, унда назарий ва эмпирик таҳлилдан фойдаланган ҳолда тадбиркорлик салоҳияти ҳолати ўрганилган ва илмий асосланган ҳолда баҳоланган. Ҳудуд аҳолисининг тадбиркорлик салоҳиятига муносабати аниқланган, уларни кичик тадбиркорликка жалб этиш ва ўз тадбиркорлигини очишга тайёргарлик даражаси баҳоланган. Аҳолининг тадбиркорлик фаоллигини ошириш учун зарур бўлган шарт-шароитлар аниқланган. Ўтказилган ижтимоий сўровномалар асосида ҳудудларда кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳиятидан самарали фойдаланиш билан боғлиқ муаммолар ўрганилган, ижтимоий сўровномалар ўтказиш натижасида ҳудуд тадбиркорлик салоҳияти ҳолати муаллифлар томонидан таҳлил қилиниб, илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: салоҳият, тадбиркорлик фаоллиги, ҳудуд кичик тадбиркорлик субъектлари салоҳияти, тадбиркорлик салоҳияти бўйича ёндашувлар, тадбиркорлик салоҳиятини баҳолаш.

Аннотация. Данная статья направлена на развитие предпринимательского потенциала населения Сурхандарьинской области, в которой на научной основе изучается и оценивается состояние предпринимательского потенциала с использованием теоретического и эмпирического анализа. Было определено отношение населения региона к предпринимательскому потенциалу, оценен уровень их вовлеченности в малый бизнес и подготовки к открытию собственного предпринимательства. Определены условия, необходимые для повышения предпринимательской активности населения. На основе проведенных социальных опросов были изучены проблемы, связанные с эффективным использованием потенциала субъектов малого предпринимательства в регионах, в результате проведения социальных опросов авторы проанализировали потенциальный статус предпринимательства в регионе и разработали научно обоснованные предложения и рекомендации.

Ключевые слова: потенциал, предпринимательская активность, потенциал субъектов малого предпринимательства на территории, подходы к потенциалу предпринимательства, оценка предпринимательского потенциала.

Abstract. This article is aimed at developing the entrepreneurial potential of the population of the Surkhandarya region, in which the state of entrepreneurial potential using theoretical and empirical analysis is studied and evaluated on a scientific basis. The attitude of the population of the region to the entrepreneurial potential was determined, the level of their involvement in small business and preparation for the opening of their own entrepreneurship was assessed. The conditions necessary to increase the entrepreneurial activity of the population have been identified. On the basis of the conducted social questionnaires, problems related to the effective use of the potential of small business entities in the regions were studied, as a result of conducting social questionnaires, the authors analyzed the potential status of entrepreneurship in the region and developed scientifically-based proposals and recommendations.

Keywords: potential, entrepreneurial activity, potential of small businesses in the territory, approaches to the potential of entrepreneurship, assessment of entrepreneurial potential.

Кириш

Бугунги янгиланаётган иқтисодий-ижтимоий жамиятда тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши бозор иқтисодиёти шаклланиши ва тараққий этишига, шунингдек, рақобатбардош иқтисодиётнинг самарадорлик даражаси ва бозор ислохотларининг муваффақиятлилик даражасига таъсир этувчи энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги фармонининг туб моҳияти ҳам мамлакат ижтимоий- иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш, тадбиркорликни янада ривожлантиришни назарда тутди[1].

Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган энг муҳим вазифалардан бири иқтисодиётда давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислохотларни давом эттиришдан иборат.

Бугунги кунда коронавирус пандемияси келтириб чиқарган глобал иқтисодий инқироз шароитида мамлакатимизда кичик тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Халқ хўжалигининг барча тармоқлари қатори кичик тадбиркорлик соҳасида вужудга келган мураккаб вазиятни юмшатиш мақсадида ҳукуматимиз томонидан бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги 2020 йил 3 апрелдаги ПФ-5978-сонли [3] , «Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун аҳоли, тадбиркорлик субъектлари, умумий овқатланиш, савдо ва хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2020 йил 20 июлдаги ПФ-6029-сонли

Фармонларини[4] бунга мисол қилиш мумкин.

Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида «Жойлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишга оид тадбиркорлик ташаббусларини, айниқса, ёшлар ва аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга устувор аҳамият бериш зарур. Шу мақсадда аҳоли ва тадбиркорларга, микромолия хизматлари ва молиявий ресурсларга, давлат харидларига кенг йўл очиб берилади. Бундай чоралар орқали одамларимизда тадбиркор бўлишга иштиёқ ва ишонч ортади, улар кўпроқ даромад олишга интиладиган бўлади,»¹ деган фикрларининг ўзиёқ ҳукуматимиз томонидан кичик тадбиркорликка бўлган эътиборнинг қай даражада юқорилигидан далолат беради.

Кичик тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 октябрда "Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4862-сон Қарори тасдиқланиши юқорида Президентимиз томонидан қайд этиб ўтилган фикрларнинг ҳаётдаги исботи сифатида қараш мумкин[2].

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь. - <https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>.

Ушбу Қарор аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш, камбағалликни қисқартириш ва тадбиркорликни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислохотларни изчил давом эттиришга қаратилган. Ушбу қарорда аҳолини айниқса, хотин-қизлар ва ёшларни кичик тадбиркорлик билан шуғулланишга жалб этиш, микромолиялаш тизимини ривожлантириш, КБХТни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг устувор йўналишлари белгиланган.

Худудда қулай ижтимоий-иқтисодий муҳитнинг шаклланишида кичик тадбиркорлик салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Худуднинг тадбиркорлик салоҳиятини баҳолаш ўта мураккаб жараён бўлиб, мавжуд статистик маълумотлар билан бир қаторда ижтимоий тадқиқотлар орқали олинган маълумотларни ҳам комплекс таҳлил этишни талаб этади. Ижтимоий тадқиқотлар меҳнатга лаёқатли аҳоли ўртасида сўровномалар ўтказиш орқали амалга оширилади.

Тадбиркорлик салоҳиятини ривожлантириш учун жамиятда тадбиркорлик билан шуғулланишга тайёр инсонлар ҳамда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватловчи институтлар бўлиши керак. Шунинг учун ҳам худуд тадбиркорлик фаоллиги жамоатчиликнинг тадбиркорлик фаолияти ҳақидаги фикри ва тадбиркорликнинг аҳоли томонидан қандай қабул қилиниши ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилиш муҳим саналади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Тадбиркорликка оид тадқиқотлар иқтисодчи олимларнинг сўнгги уч аср давомида диққат марказида бўлишига қарамасдан тадбиркорлик салоҳияти моҳияти, унга таъсир этувчи омилларни аниқлашга оид тадқиқотларга сўнгги ўн йилликларда эътибор қаратила бошланди. Назаримизда бу ўтган асрнинг 80-йилларидан иқтисодий ривожланишида инсон капитали ўрнини аниқлашга қаратилган илмий изланишлар кўпайиши ҳамда уларда инсон капиталининг мамлакат иқтисодий ривожланишида ўрни аниқланиши билан боғлиқ.

АҚШлик иқтисодчи олим Р.Лукас ўз иқтисодий ўсиш модели орқали инсон капитали ҳам илмий технологик тараққиёт каби иқтисодий ўсишнинг муҳим омили эканлигини кўрсатиб берди[11]. Кейинчалик иқтисодий адабиётларда Роберт Лукас ва Пол Ромер томонидан яратилган модел Лукас-Ромер модели деб номланиб, иқтисодий ўсишнинг янги назариясига асос яратди. Ушбу моделга мувофиқ, иқтисодий ўсишнинг асосий омили бу - илмий-тадқиқот ишланмалари ва инсон капиталига инвестициялардир[12].

Иқтисодий назариядаги ушбу ёндашув вужудга келиши иқтисодий муносабатларнинг турли соҳаларида, жумладан тадбиркорлик соҳасида инсон капитали ва унинг шаклланишига таъсир этувчи омилларни ўрганишга оид тадқиқотлар олиб борилди. Аммо, шу билан бирга сўнгги йигирма йилда тадбиркорлик салоҳияти тушунчаси бўйича ягона бир умумий фикрга келинмаган.

Тадбиркорлик салоҳияти ва у билан боғлиқ тушунчалар бир қатор хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан илмий асосланиб, иқтисодий термин сифатида қўлланилиб келинмоқда. Жумладан, Ю. И. Сизов, Б.Л.Федерченко[14], И. Е. Чепляева[18], С. Ю. Егорихина[10], Б. В. Салихов, В. О. Самойлов[13], А. Я. Степанов, Н. В. Иванов[16], Я. В. Сергиенко[15], Э.А.Фияксель[17] каби иқтисодчи олимлар мазкур тушунчага ўзларининг фикрларини билдириб ўтганлар.

Мазкур олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасида тадбиркорлик салоҳиятининг мазмун-моҳияти, унинг асосий хусусиятлари ёритиб берилган (1-расм).

Таърифлар ва тавсифлар	Манба
«Товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш, уларни сотиш, оқилона ва изчил қарорлар қабул қилиш, янгиликларни яратиш ҳамда қўллаш, ҳар қандай таваккалчиликни амалга ошириш учун ресурсларнинг энг яхши комбинациясини топиш ва улардан фойдаланиш имконини берадиган инсон фазилатлари, қобилиятлари йиғиндисидир»	Ю. И. Сизов, В. Л. Федорченко и др. Предпринимательство: энциклопедический словарь. Волгоград: Издатель, 2008. – 264 с.
Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга тайёр барча жисмоний шахслар йиғиндиси	А. Ю. Чепуренко. Предпринимательство в России: промежуточные результаты GEM//Мир России. № 2. 2008. С. 22-40.
«Тадбиркорлик салоҳияти иқтисодий категория сифатида корхона ва унинг эгаларининг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши учун ижтимоий детерминациялашган имкониятлар ва қобилиятлар мажмуи ҳисобланади»	И. Е. Чепляева. Предпринимательский потенциал: проблемы формирования и использования в российской экономике. Дис. ... к. э. н.:
«Тадбиркорлик салоҳиятини белгиловчи асосий ва ягона мезон тадбиркорлар ва тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган жисмоний шахслар сонидир»	С. Ю. Ерохина. Предпринимательский потенциал населения региона//Экономика региона: проблемы и перспективы развития. № 1
«Тадбиркорлик салоҳиятини керакли шахс ва қадриятлар жамиятини яратиш учун ресурслардан инновацион фойдаланишни таъминлайдиган фаолиятнинг ҳақиқий имконияти»	Б. В. Салихов, В. О. Самойлов. Частная собственность как социально-экономическая основа реализации предпринимательского
«Тадбиркорлик салоҳияти шахслар, ташкилотлар, тармоқларнинг тадбиркорлик маданияти ва институционал муҳит мавжуд ресурс имкониятларини ўзгартириш билан боғлиқ (янги корхоналар яратиш) қобилиятларидан иборат».	Фияксель Э.А.,Шубнякова Н.Г. идр. Эволюция понятия предпринимательский потенциал. Журнал Инновации № 9(215),2016. -48 с.
«Тадбиркорлар ташқи муҳитни таъсирини ҳисобга олиб, оқилона ва самарали қарорлар қабул қилиш орқали истеъмолчилар эҳтиёжини максимал қондира олиши натижасида тадбиркорлик салоҳияти руёбга чиқади»-	А. Я. Степанов, Н. В. Иванов. Категория «потенциал» в экономике//Энциклопедия маркетинга. http://www.marketing.spb.ru/read/article/a66.htm .
«Тадбиркорлик салоҳияти қўйидаги элементларни ўз ичига олади: бевосита одамларнинг тадбиркорлик қобилиятлари, тадбиркорлик салоҳиятининг бизнес, ахлоқий ва моддий асослари, унинг давлат ва жамият томонидан сўзсиз қўллаб-қувватланиши»	Я. В. Сергиенко и др. Предпринимательский потенциал: опыт и перспективы развития в России//Вестн. ОРЕЛГИЭТ. № 20. 2012. С. 3-8. _11_12.pdf.

1-расм. Тадбиркорлик салоҳияти тушунчасига берилган таърифлар ва уларнинг асосий хусусиятлари

Маълумотларидан кўриниб турибдики, тадбиркорлик салоҳияти тушунчасига олимлар томонидан берилган таърифлар ўзига хос ва турлича бўлсада, лекин уларнинг бир-бирини тўлдирувчи умумий жиҳатларини кўриш мумкин.

Иқтисодчи олим Ю.И.Сизов ва Б.Л. Федерченколари тадбиркорлик салоҳияти тушунчасига таъриф берар эканлар, иқтисодий ноаниқлик ва чекланган ресурслар шароитида корхонанинг товар ва хизматларни ишлаб чиқаришдан истеъмолчига етказишга бўлган жараёнларда энг мақбул қарорлар қабул қилувчи шахсий фазилатлар мажмуаси сифатида қарайдилар.

Худди шу каби тадбиркорлик салоҳияти тадбиркорларга хос бўлган фазилатлар ва қобилиятлар йиғиндиси сифатида ёндашувларни И.Е.Чепляева илмий тадқиқот ишларида ҳам кўриш мумкин. Бу борада С.Ю.Егорихина ўз навбатида «тадбиркорлик салоҳиятини белгилувчи асосий ва ягона мезон сифатида тадбиркорлар ва тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган жисмоний шахслар сонини» қабул қилган. Шунингдек В.О.Самойлов ва Б.В.Салиховлар тадбиркорлик салоҳияти шаклланишида инсонлардаги инновациялар яратишга қобилияти муҳимлигини қайд этадилар. Яъни, уларнинг фикрича, тадбиркорлик салоҳияти жамиятдаги креатив фикрлайдиган ва инновацияларни жорий этадиган инсонлар сони билан бевосита боғлиқ.

Юқоридагилардан фарқлироқ Э.А.Фияксель, Н.Г.Шубняковалар инсон қобилиятлари билан бир қаторда ташқи муҳит омилларини ҳам тадбиркорлик салоҳияти шаклланишида муҳим ўрин тутишини таъкидлашади.

Ташқи муҳитнинг тадбиркорлик салоҳияти шаклланишидаги аҳамияти А.Я.Степанов ва Н.В.Иванов тадқиқотларида ҳам ўрин олган бўлиб, улар тадбиркорлик салоҳиятини ташқи муҳит таъсири остида қабул қилинадиган изчил қарорлар натижасида бозор талабини максимал қондириш билан боғлиқ бўлган хўжалик юритувчи субъект фаолияти сифатида қарашади.

Я.В.Сергеенко тадбиркорлик салоҳияти шаклланишида давлатнинг ўрнини қайд этиб, тадбиркорлик салоҳиятини инсонларнинг тадбиркорлик қобилиятлари, тадбиркорликнинг жамиятда сўзсиз қабул қилиниши билан боғлиқлигини изоҳлайди.

Юқорида ўрганилган тадбиркорлик салоҳияти тушунчасига берилган таърифларни ўрганиш ва чуқур таҳлил қилиш натижасида қуйидаги муаллифлик таърифини таклиф этишни лозим топдик.

“Тадбиркорлик салоҳияти – иқтисодий, ижтимоий, демографик, табиий-иқлимий, сиёсий-институционал омиллар таъсири остида тадбиркорлар ва жисмоний шахсларнинг муваффақиятли тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш мақсадида муайян натижага эришиш йўлида фойдаланилаётган ички ва ташқи тадбиркорлик қобилиятлари, тадбиркорлик имкониятлари ҳамда ҳали фойдаланилмаётган тадбиркорлик захиралари йиғиндисини акс эттиради”.

Тадқиқот методологияси

Худуд тадбиркорлик салоҳиятининг шаклланиши ва уни ривожлантириш бўйича мажмуавий иқтисодий-статистик ёндашувни шакллантиришдан иборат. Бугунги кунда тадбиркорлик фаолиятига бағишланган илмий тадқиқотлар кўп бўлсада, лекин худуд кичик тадбиркорлик салоҳиятини баҳолашга бағишланган илмий тадқиқотлар деярли кам амалга оширилган. Шунинг учун худуд ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашда аҳолининг тадбиркорлик салоҳиятини аниқлаш ва уларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга жалб этиш масалалари долзарб

саналади. Бунда ҳудуд тадбиркорлик салоҳиятини аниқлаш бўйича ўтказиладиган ижтимоий тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, унинг асосида жамоатчиликнинг тадбиркорлик фаолиятига оид турли фикр-мулоҳазаларини аниқлаш имконияти пайдо бўлади.

Ижтимоий тадқиқотлар ўтказиш натижасида ҳудуд тадбиркорлик салоҳияти ҳақида кенг маълумот тўпламига эга бўлинади ва ўз ҳудуди доирасида тадбиркорлик фаоллигининг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги билим ҳамда кўникмалар шаклланади. Бу эса ҳудуд тадбиркорлик салоҳияти тавсифини чуқурроқ англаб етиш ва уни ҳар томонлама қўллаб-қуватлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш имконини беради.


Ушбу ижтимоий тадқиқот асосида қуйидаги ҳолатларни таҳлил қилиш имконияти пайдо бўлади:

- тадбиркорлик фаоллиги даражасига таъсир этувчи (тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантирувчи ва чегараловчи) омилларни аниқлаш;
- тадбиркорлик фаоллигининг ҳудуд иқтисодий ўсишига таъсири даражасини баҳолаш имкониятини яратиш;
- ҳудуд даражасида тадбиркорлик фаоллиги ва натижавийлигини ошириш бўйича чоралар ишлаб чиқиш.

Таҳлил ва натижалар

Ҳар йили жамоатчиликнинг тадбиркорликка бўлган муносабатини ҳар томонлама таҳлил қилишга асосланган сўровномалар ўтказиш кичик тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги ўрнини кенгроқ таҳлил қилиш учун шарт-шароитларни оширади. Бунда тадбиркорлик билан атроф-муҳитнинг ўзаро алоқаси, тадбиркорликнинг мажмуавий тавсифи, таваккалчиликни ўз зиммасига олишга тайёр аҳоли қатламлари ўрганилади.

Ҳудуд аҳолисининг тадбиркорлик фаолиятига бўлган муносабати, уларнинг тадбиркорлик фаоллиги ҳамда тадбиркорлик салоҳиятини аниқлаш муҳим масала ҳисобланади.



1-расм. Респондентларнинг жинси бўйича тақсимланиши, % да


Ушбу мақсадда Сурхондарё вилоятининг турли ҳудудларида 36 та саволлардан иборат сўровномалар ўтказилди. Тадқиқотда 1378 нафар респондент иштирок этди, уларнинг 48,7 фоизи аёллар, 51,3 фоизини эркаклар ташкил этди.

Шунингдек респондентнинг 14,5 фоизи шаҳарда жойлашган бўлса, 84,5 фоизи қишлоқ ҳудудларда истиқомат қилади.




2-расм. Респондентларнинг ҳудуд бўйича тақсимланиши, % да

Ижтимоий сўровномада 16 ёшдан 64 ёшгача бўлган респондентлар иштирок этишди. Уларнинг ёш бўйича тақсимои қуйидаги жадвалда келтирилган.



3-расм. Респондентларнинг ёш бўйича тақсимланиши, % да

Вилоятнинг турли ҳудудларида ўтказилган сўровномада турли маълумот даражасига эга респондентлар жалб этилди.



4-расм. Респондентларнинг маълумот бўйича тақсимланиши, % да

Респондентлар маълумотлилик даражасига назар ташлайдиган бўлсак, ўрта махсус маълумотга эга кишилар (54,7 %) олий маълумотлиларга нисбатан (34,7 %) кўпчиликти ташкил этишини кўриш мумкин.

Ҳар қандай ижтимоий тадқиқот самарадорлиги ва аниқлиги уни ўтказишда танланган иштирокчилар репрезентативлиги, яъни мазкур ҳудуддаги умумий ҳолатни акс эта олиши билан боғлиқ. Ушбу мақсадда ижтимоий тадқиқотда вилоятнинг хусусиятларини акс эттириш имконини берувчи турли ҳудудлар (ривожланиш даражаси, иқлим шарт-шароитлари, инфратузилма ҳолати, аҳоли зичлиги, ўртача даромадлари ва бошқ.) танлаб олинди.

Аҳолининг тадбиркорлик салоҳиятини баҳолашга имкон берувчи ижтимоий кўрсаткичлар орқали индивиднинг ўз бизнесини очиш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга тайёрлиги ёки субъектив ҳоҳиши борлигини баҳолаш имконияти пайдо бўлади. Корхонада ёлланиб ишлаш ёки ўз бизнесини очиш, ўз маблағларини шахсий истеъмол учун ишлатиш ёки ишлаб чиқаришга йўналтириш – тадбиркорлик фаоллигининг бирламчи индикаторларидан бўлиб ҳисобланади.

Ўтказилган тадқиқотлар натижалари кўрсатишича, сўровда иштирок этган респондентларнинг асосий қисми тадбиркорлик билан шуғулланишни ҳоҳлашади (1-жадвал).

1-жадвал

Қулай вазият тўғри келганда ўз бизнесингизни очишни ҳоҳлармидингиз? деган саволга респондентларнинг муносабати (% да)

Омиллар	Жами	Жинси		Ёш бўйича гуруҳлар				Маълумоти		
		аёл	эркак	30 ёшгача	31-40 ёш	41-55 ёш	55 ёшдан юқори	Ўрта (туғалланмаган ўрта)	Ўрта махсус	Олий
Ўз бизнесим бор	20,9%	20,7%	21,1%	22,6%	12,5%	24,3%	10,8%	10,0%	17,6%	23,8%
Ҳа, ҳоҳлардим	70,4%	69,8%	71,0%	67,9%	80,0%	67,4%	78,4%	50,0%	72,1%	69,6%
Ҳечдан кўра кеч бўлсаям яхши эди	7,1%	8,4%	5,9%	6,8%	6,7%	7,1%	10,8%	40,0%	8,0%	5,6%
Йўқ, ҳоҳламайман	1,6%	1,2%	2,0%	2,6%	0,8%	1,1%	0,0%	0,0%	2,3%	1,1%
	100,0 %	100,0 %	100,0 %	100,0 %	100,0 %	100,0 %	100,0 %	100,0 %	100,0 %	100,0 %

Тадқиқотлар асосида муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, сўровномада иштирок этганларнинг 20 фоиздан ортиғи тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланади.

Тадбиркорлик билан боғлиқ муносабатларда ижтимоий-демографик омиллар сезиларли таъсир қилади. Эркаклар ва аёллар бизнесни очиш билан боғлиқ имкониятларни бир хил баҳолайдилар.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётганларнинг демографик омиллар бўйича таҳлили кўрсатишича эркак ва аёллар ўртасида фарқланиш деярли бўлмаган (21,1% ва 20,7%), аммо ёш гуруҳлари бўйича сезиларли фарқланиш мавжуд. 30 ёшгача бўлган гуруҳда 22,8%, 41-55 ёш гуруҳида 24,8% респондентлар тадбиркорлик фаолиятига жалб этилганлигини кузатишимиз мумкин. Аксинча, 31-40 ёш ҳамда 55 ёшдан юқори респондентлар гуруҳида ушбу кўрсаткич сезиларли даражада камроқ (12,5% ва 10,8 %). Назаримизда, ёшлардаги тадбиркорлик фаолиятида фаоллиги бир

томондан уларнинг таваккалчиликка мойиллиги билан баҳоласак, иккинчи томонидан ушбу демографик гуруҳ вакилларининг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат дастурлари ишлаб чиқилганлиги ва амалга оширилганлигидир. 41-55 ёш гуруҳларининг тадбиркорлик соҳасида фаоллиги уларнинг бу соҳада тўплаган тажрибаси ва уни умалга ошириш учун зарур жамғармаси мавжудлиги билан изоҳлаш мумкин. Демак, тадбиркорлик салоҳияти шаклланишида аҳоли ёши, билим даражаси ҳам муҳим омил бўлиб ҳисобланар экан.

Аҳолининг асосий қатлами билан солиштирганда тадбиркорликка мойиллиги бор кишилар ва тадбиркорлар кўп ҳолларда хавф-хатарга тик боқиб, яшаш жойини ҳамда иш фаолиятини ўзгартириб туради. Улар олдинда турган хавф-хатарга, вақтинчалик муваффақиятсизликларга ва тўсатдан пайдо бўладиган тўсиқларга тайёр туришади ҳамда тадбиркорлик соҳасида банд бўлмаганларга нисбатан ўзларини омадли ва бахтли деб ҳис қилишади. Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмайдиганлар эса бунга сабаб қилиб тадбиркорлик соҳасида билими ва қобилияти етишмаслигини, шунингдек солиқнинг юқорилигини сабаб қилиб кўрсатишади.

Шахс ўзида мавжуд тадбиркорлик қобилиятлари, билим ва кўникмаларини ўз бизнесини амалга ошириш учун етарли деб идрок этгандагина тадбиркорлик билан шуғулланиш истаги ва муваффақиятли бизнесни яратиш имконияти пайдо бўлади. Респондентлар ўзларининг тадбиркорлик билан шуғуллана олмаслик сабабларини қуйидаги ҳолатлар билан изоҳлашга ҳаракат қилишади.

Респондентларнинг кўпчилиги қулай тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун тўсиқ бўлаётган асосий омилларга бошланғич маблағ етарли эмаслиги (46%) ҳамда тадбиркорлик фаолиятида турли бюрократик тўсиқларнинг мавжуд эканлигини кўрсатишган (19,9%)(2-жадвал).

2-жадвал

Тадбиркорлик фаолиятини бошлашда тўсиқ бўлаётган омиллар (% ҳисобида)

Омиллар	Жами	Жинси		Ёш бўйича гуруҳлар				Маълумоти		
		аёл	эркак	30 ёшгача	31-40 ёш	41-55 ёш	55 ёшдан юқори	Ўрта (туғалланган ўрта)	Ўрта махсус	Олий
Бошланғич маблағ етарли эмас	46,0%	48,2%	43,9%	61,0%	42,1%	39,3%	0,0%	100,0%	37,7%	41,2%
Ишлаб чиқарган маҳсулотни сотиш қийин	10,6%	10,5%	10,7%	13,3%	0,0%	14,2%	0,0%	0,0%	14,6%	10,0%
Тадбиркорлик фаолияти бўйича билимнинг етарли эмаслиги	11,5%	12,0%	11,0%	15,2%	0,0%	14,6%	0,0%	0,0%	16,7%	10,3%
Тадбиркорлик фаолиятида турли бюрократик тўсиқларнинг юқорилиги	19,9%	17,7%	22,0%	10,6%	25,6%	29,2%	0,0%	0,0%	24,7%	20,6%
Солиқлар жуда юқорилиги	8,1%	6,6%	9,6%	0,0%	18,2%	2,6%	73,0%	0,0%	6,3%	10,8%
Бошқа	3,9%	5,1%	2,8%	0,0%	14,0%	0,0%	27,0%	0,0%	0,0%	7,1%
	100,0 %	100,0 %	100,0 %	100,0 %	100,0 %	100,0 %	100,0 %	100,0 %	100,0 %	100,0 %

Тадқиқотлар асосида муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

Бундан ташқари, айрим респондентлар тадбиркорликни бошлаш жараёнидаги асосий тўсиқлар сифатида тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги билимлар етарли эмаслигини (11,5%), айримлари эса ишлаб чиқарган маҳсулотларни сотиш қийинлигини (10,6 %) таъкидлашган. Сўралганларнинг 8,1% и солиқлар жуда юқорилигини сабаб қилиб кўрсатишган. 30 ёшгачаларнинг 61,0 % и бошланғич маблағ етарли эмаслигини айтиб ўтишган. Албатта, ушбу омиллар ҳам қандайдир маънода тадбиркорлик фаолиятини бошлашда таъсирга эга бўлиши мумкин, лекин индивиднинг шахсий тавсифи: ўзига бўлган ишонч, тадбиркорлик қобилиятлари энг муҳимларидан саналади.

Айтиб ўтиш керакки, ҳудудда кичик тадбиркорлик салоҳиятини ошириш учун ўз тадбиркорлигини бошламоқчи бўлган фуқароларга қулай шарт-шароитлар яратиш ва тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантирувчи қўшимча чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш муҳим масала ҳисобланади. Айниқса, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни ҳоҳловчи аҳоли қатламини бошланғич маблағ билан таъминлаш, уларнинг ушбу соҳадаги билим ва кўникмаларини шакллантириш учун махсус ўқув курсларини ташкил этиш ҳамда уларнинг бошқариш, маркетинг, бухгалтерия ҳисоби, солиқ ва солиққа тортишга оид билим ва кўникмаларини ошириб бориш ҳудуд тадбиркорлик салоҳиятини оширишнинг асосий йўналишларидан саналади. Кичик тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган аҳоли қатламини иқтисодий, ҳуқуқий, молиявий қўллаб-қувватлаш механизминини қайта кўриб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этиш энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади. 2- жадвал маълумотларидан кўринадик, аҳолини молиявий қўллаб-қувватлаш механизми энг аҳамиятлиларидан биридир.

Самарали кредит-молия тизимини шакллантириш вазифасини ҳал қилиш, молиявий технологияларни ишлаб чиқиш ва тарқатиш учун хусусий инвестицион ресурслардан (масалан, венчур молиялаш) максимал даражада фойдаланиш талаб этилади.

3-жадвал

Респондентларнинг "Сизнингча, қандай кишилар тадбиркор бўла олади?" деган саволга жавобларининг тақсимланиши (% ҳисобида)

Омиллар	Жами	Жинси		Ёш бўйича гуруҳлар				Маълумоти		
		аёл	эркак	30 ёшгача	31-40 ёш	41-55 ёш	55 ёшдан юқори	Ўрта (туғалла нмаган	Ўрта махсус	Олий
Билимли ва меҳнаткаш кишилар	54,4%	58,2%	50,8%	51,9%	53,7%	54,7%	70,3%	20,0%	53,8%	55,8%
Фақат тадбиркорлик соҳасида истеъдоди бор инсонлар	22,5%	21,2%	23,7%	19,9%	19,0%	26,8%	24,3%	0,0%	21,9%	23,5%
Тадбиркор ёки даромади юқори бўлган оилалар фарзандлари	14,2%	14,3%	14,1%	13,9%	23,1%	11,7%	5,4%	70,0%	13,3%	13,5%
Таниш-билиши кўплар	6,7%	4,5%	8,8%	9,8%	4,1%	5,7%	0,0%	0,0%	9,6%	4,5%
Бошқа	2,2%	1,8%	2,5%	4,5%	0,0%	1,1%	0,0%	10,0%	1,3%	2,6%
	100,0 %	100,0 %	100,0 %	100,0 %	100,0 %	100,0 %	100,0 %	100,0%	100,0 %	100,0 %

Тадқиқотлар асосида муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

Сизнингча, қандай кишилар тадбиркор бўла олади деган саволга респондентларнинг кўпчилиги (54,4 %) билимли ва меҳнаткаш кишилар деб, айримлари эса (22,5 %) фақат тадбиркорлик соҳасида қобилияти ва истеъдоди бор инсонларгина тадбиркор бўла олишини таъкидлашган (3-жадвал).

Билимли ва меҳнаткаш кишилар тадбиркор бўла олишини таъкидлаган респондентларнинг 55,8 % ини олий маълумотлилар ташкил этади. Сўралганларнинг айримлари (14,5%) тадбиркор ёки даромади юқори бўлган оилалар фарзандлари тадбиркорликка мойиллиги юқори бўлишини айтишган.

Албатта, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун билимли ва меҳнаткаш бўлиш энг асосий мезонлардан биридир. Лекин маблағ етарли эмаслиги тадбиркорлик фаолиятини бошлашдаги тўсиқлардан саналади. Бундан кўринадики, тадбиркор ёки даромади юқори оила фарзандларининг тадбиркорлик билан шуғулланишга бўлган имконияти ва мойиллиги юқори бўлади. Уларда тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун бошланғич маблағнинг мавжудлиги ва оиланинг аввалдан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келаётганлиги, касбий малака ва кўникмалар шаклланиши ҳамда кичик бизнес билан шуғулланиши учун шарт-шароитларни яратиб беради. Бу ҳам тадбиркорлик салоҳиятини белгилаб берувчи омиллардан биридир.

Тадбиркорлик фаолиятини бошлашда тадбиркорлик қобилиятлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Албатта, тадбиркорлик қобилиятига эга инсонлар тадбиркорлик фаолиятини бошлашда деярли кам муаммо ва тўсиқларга учрайди. Тадбиркорлик соҳасида тажрибаси йўқ, лекин тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишни хоҳловчиларни тадбиркорликка йўналтирилган ўқув курслари орқали малакасини ошириб бизнес фаолиятига жалб қилиш мумкин. Тадбиркорлик бўйича тажрибага эга кишилар ушбу соҳада тажрибаси йўқларга нисбатан тадбиркорликни муваффақиятли карьера танлови сифатида қарашади.

Тадбиркорлик бўйича билим ва кўникмаларга эга респондентларнинг жуда камчилик қисми ўз бизнесларини бошлашда омадсизликдан қўрқишларини билдиришган. Бундан кўринадики, тадбиркорлик кўникмалари ошиб бориши тадбиркорликни бошламоқчи бўлган кишиларнинг ўзига бўлган ишончини оширади, жамиятда тадбиркорликка нисбатан ижобий муносабат шаклланишига, ҳамда тадбиркорлик фаоллиги ўсишига олиб келади.

Бизнесни ташкил этишда мотивация турини аниқлаш тадбиркорликни ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларини таҳлил қилиш учун муҳим ҳисобланади.

4-жадвал

Респондентларнинг "Тадбиркорлик фаолияти бўйича билимларни қандай ўрганган маъқул?" деган саволга жавобларининг тақсимланиши (% ҳисобида)

Омиллар	Жами	Жинси		Ёш бўйича гуруҳлар				Маълумоти		
		аёл	эркак	30 ёшгача	31-40 ёш	41-55 ёш	55 ёшдан юқори	Ўрта (туғалланм азган йилда)	Ўрта махсус	Олий
дўстлар, қариндошлардан сўраб ўрганган	19,9%	19,8%	20,0%	17,5%	36,1%	17,6%	6,1%	0,0%	16,9%	23,0%
махсус курсларда ўқиш орқали	29,2%	29,3%	29,0%	26,8%	30,3%	27,6%	63,6%	30,0%	27,5%	30,4%

Омиллар	Жами	Жинси		Ёш бўйича гуруҳлар				Маълумоти		
		аёл	эркак	30 ёшгача	31-40 ёш	41-55 ёш	55 ёшдан юқори	Ўрта (туғаллам палати)	Ўрта махсус	Олий
китобларни сотиб олиб ўқиш орқали	8,4%	8,4%	8,5%	13,0%	1,7%	6,9%	9,1%	0,0%	6,0%	10,6%
телевизордаги кўрсатувларни томоша қилиш орқали	1,3%	1,8%	0,8%	0,7%	0,0%	2,7%	0,0%	0,0%	2,6%	0,3%
тадбиркорлик соҳасида тажрибаси бор инсонлардан	40,2%	40,1%	40,3%	40,9%	31,9%	43,7%	21,2%	60,0%	45,0%	35,7%
Бошқа	1,0%	0,6%	1,4%	1,1%	0,0%	1,5%	0,0%	10,0%	2,0%	0,0%
	100,0 %	100,0 %	100,0 %	100,0 %	100,0 %	100,0 %	100,0 %	100,0 %	100,0 %	100,0 %

Тадқиқотлар асосида муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

4-жадвалдан кўриниб турибдики, респондентларнинг 40,2 % и тадбиркорлик фаолияти бўйича билимларни тадбиркорлик соҳасида тажрибаси бор инсонлардан, 29,2 % респондент эса махсус курсларда ўқиш орқали ўрганишни маъқул кўришган. Сўралганларнинг 19,9 % и дўстлар, қариндошлардан сўраб ўрганган маъқул деб фикр билдиришган.

Тадбиркорликни бошлаш истаги остида индивиднинг яқин келажақда ўз бизнесини бошлашга тайёрлиги ётади. Тадбиркор бўлиш истаги ва ўз бизнесини очишга интилиш бу - шахсий қарор, лекин иқтисодий, тарихий, маданий, институционал омиллар ҳам борки, улар шахсий ҳоҳиш ва истакларга бевосита таъсир қилади ҳамда орзунинг рўёбга чиқишини рағбатлантиради.

Ҳар қандай мамлакат тадбиркорлик фаоллиги даражасига таъсир қилувчи ўзига хос ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитларга эга бўлади.

Муайян ҳудуд ва аҳоли яшаш пункти тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш имкониятини аниқлаб беради. Тадбиркорлик фаоллиги ривожланиши инфратузилма мавжудлиги, даромадлар ва аҳоли зичлиги даражасига ҳам боғлиқ бўлади. Шунингдек аҳолининг тадбиркорлик соҳасидаги билимларини ошириб, жамғармаларидан унумли фойдаланган ҳолда, уни ўз кичик тадбиркорликларини бошлашга сафарбар этишлари учун керакли бўлган барча шарт-шароитларни яратиш ҳам ҳудуд тадбиркорлик салоҳиятидан унумли фойдаланишнинг муҳим шартидир.

Хулосалар ва таклифлар

Ҳудуд тадбиркорлик салоҳиятидан самарали фойдаланишда, бизнинг фикримизча, кичик тадбиркорликни ривожлантириш билан боғлиқ вазифаларни қуйидаги йўналишда амалга ошириш зарур:

1. Ҳудудда кичик тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган аҳоли ва айни дамда ушбу фаолият билан шуғулланаётган хўжалик юритувчи субъектларни зарурий воситалар билан таъминлаш механизмини такомиллаштириш.

Кичик тадбиркорликни мулкӣ ва молиявий қўллаб-қувватлаш энг муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Тадбиркорларни мулкӣ қўллаб-қувватлаш механизмини амалиётга кенгроқ жорий қилиш учун биринчи навбатда давлат тасарруфидаги йирик корхоналар балансидаги ишлатилмаётган ишлаб чиқариш, нотураржой объектлари негизида кичик тадбиркорлик корхоналарини ташкил этиш, ер майдонлари кичик тадбиркорлик субъектлари фойдаланишлари учун зарурий иқтисодий ва ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этиш зарур. Бунда ушбу мулкӣ воситалар ҳақидаги ахборотларни очиқлиги ва шаффофлигига алоҳида эътибор қаратиб, уларни электрон онлайн-аукционлар ёрдамида мулкдорларга тақсимлаш муҳим ҳисобланади.

Самарали кредит-молия тизимини шакллантириш вазифасини ҳал этишда давлат ва халқаро, шунингдек хусусий инвестицион ресурслардан самарали фойдаланиш талаб этилади.

2. Ҳудудда ишбилармонлик муҳитини қулайлаштириш мақсадида КБҲТни қўллаб-қувватлаш инфратузилмасини ривожлантириш, моддий хом-ашё ҳамда молиявий ресурслардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган барча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш.

3. Ҳудуд аҳолисини кичик тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишини рағбатлантириш тизимини ишлаб чиқиш.

Ушбу йўналиш доирасида қуйидаги вазифаларни амалга ошириш муҳим саналади:

❖ Ҳудуд аҳолиси ўртасида тадбиркорлик ҳақидаги ижобий фикрларни шакллантириш.

Бунинг учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда ҳудуддаги барқарор фаолият юритаётган тадбиркорлик корхоналари фаолияти натижалари, улар эришган ютуқлар ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш, айниқса фаолияти яхши ривожланаётган тадбиркорлар ҳар кўни бир соат вақт ажратиб, маҳаллаларда, мактабларда, олий ўқув юртларида тадбиркорлик соҳасига кириб келишига сабаб бўлган омиллар, эришган ютуқ ва тажрибалари бўйича фикр алмашиб борса, аҳолининг, айниқса ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятига бўлган қизиқиши ортиб боради.

❖ Мактабларда, олий ўқув юртларининг барча йўналишларида тадбиркорлик асослари фани чуқурлаштирилган ҳолда ўтилишига шарт-шароит яратиш.

Бу нафақат ҳудуд балки, бутун мамлакат ёшларининг тадбиркорлик бўйича профессионал билим даражасининг ошишига, бу эса пировардида мамлакат аҳолиси тадбиркорлик салоҳияти юксалишига хизмат қилади.

❖ Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган аҳолини махсус курсларда ўқитиш асосида уларнинг билим ва кўникмаларини шакллантириб, уларга имтиёзли микрокредитлар бериш механизмини ишлаб чиқиш.

Ушбу чора-тадбирлар ҳудуд аҳолисининг ишчанлик фаоллиги ошишига, уларнинг ўз тадбиркорлик қобилятларидан унумли фойдаланишларига, ўз бизнесларини очишларига, энг муҳими ҳудуд иқтисодиёти ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшишларига кенг имконият яратади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони. «Халқ сўзи» газетаси, 2017 йил 8 феврал, №28 (6722).
2. Абдуллаев Ё., Каримов Ф. Кичик бизнес ва тадбиркорлик асослари. – Т.: Меҳнат, 2010. – 349 б.
3. Абулқосимов Ҳ.П., Қулматов А.А. Ўзбекистонда кичик бизнес соҳасида оилавий тадбиркорликнинг ўрни ва уни ривожлантириш йўллари. Монография. – Т.: Университет, 2015. – 126 б.
4. Абдурахмонова Г.К. Кичик бизнесда аҳолини муносиб меҳнат тамойиллари асосида иш билан таъминлашни такомиллаштириш. Дис. ... и.ф.д. – Т. 2016.
5. Алимардонов И.М. Кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг услубий ва амалий асосларини такомиллаштириш. Дис. ... и.ф.д. – Т. 2018.
6. Болтабаев М.Р., Қосимова М.С., Эргашходжаева Ш.Ж., Ғойибназаров Б.К., Самадов А.Н., Ходжаев Р. Кичик бизнес ва тадбиркорлик: Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2010. – 275 б.
7. Егорихина С. Ю. Предпринимательский потенциал населения региона//Экономика региона: проблемы и перспективы развития. № 1 (53). 2011. С. 42-50.
8. Robert E. Lucas «On the mechanics of economic development» Journal of Monetary Economics 22 (1988) 3-42. North-Holland.
9. Romer P.M. Increasing Returns and Long-Run Growth// The Journal of Political Economy, October, 1986. — pp. 1002—1037.
10. Салихов Б. В., Самойлов В. О. Частная собственность как социально-экономическая основа реализации предпринимательского потенциала//Финансы и кредит. № 15. 2006.
11. Сизов Ю. И., Федорченко В. Л. и др. Предпринимательство: энциклопедический словарь. Волгоград: Издатель, 2008. – 264 с.
12. Сергиенко Я. В. и др. Предпринимательский потенциал: опыт и перспективы развития в России//Вестн. ОРЕЛГИЭТ. № 20. 2012. С. 3-8. http://old.orelgiet.ru/monah/1_20_11_12.pdf.
13. Степанов А. Я., Иванов Н. В. Категория «потенциал» в экономике//Энциклопедия маркетинга. <http://www.marketing.spb.ru/read/article/a66.htm>.
14. Фияксель Э.А., Шубнякова Н.Г. и др. Эволюция понятия “предпринимательский потенциал”. Журнал Инновации № 9(215), 2016. -48 с.
15. Чепляева И. Е. Предпринимательский потенциал: проблемы формирования и использования в российской экономике. Дис. ... к. э. н.: 08.00.07. Саратов, 1999. – 168 с.
16. Чепуренко А.Ю. Малое предпринимательство в социальном контексте / А.Ю. Чепуренко. – М.: Наука, 2004. – 480 с.
17. Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. –Т.: ТДАУ, 1998.